

Усмонли адабиётини оз-моз ўқуганлар, унинг билан бир даража ошно бўлганлардан кайси бириси бу исми билмайди, кайси бириси муни танимайди.

Усмонлиларнинг «адабиёти жадида» (янги адабиёт)чиларининг пир ва устози бўлган Тавфик Фикратбек бутун янги насл туркларнинг юракларина гўзал, нафис ва латиф шеър букетлари қадамишдир. Унинг кенг хаёли равон (тез) ва енгил ифодаси кимни, кайси бир шеър ва адабиёт мухибини тасхир этмас? Хусусан унинг «Рубоби шикаста» (синик дутор)си, ундаги баланд ва латиф йўллар нақадар жозибали ва завкли нарсалардир!

Тавфик Фикрат «Рубоби шикаста»си ила канча танилган бўлса, унинг ила канча нафосат суювчиларни ўзига мафтун этган бўлса, «Тарихи кадим»и, у дахшатли фарёди ила одамларнинг калбинда буюк-буюк ўзгаришлар вужудга келтирмишдир. «Тарихи кадим» «Рубоби шикаста»дай эмасдир: «Рубоби шикаста» дунё кўрмишдир, матбаъда темирлар орасинда қисилмиш, коғоз бетларинда неча минг нусха босилмишдир. Лоқин, «Тарихи кадим» махфийдир, кўлдан кўлга кўчирилуб, ёзилуб юргизиладурган нарсадир. У тарихнинг жинойтлари қаби сирлидир, ҳар кимга «мана мен!» деб кўруна бермас. Уни босдириш мумкин бўлмади. У олий фикрлар бечора Шарқнинг кўҳна, чирик миясига сигмади; забун, эзилган шарқлининг кенг калбинда жой топа олмади; бир вақтлар. Умар Хайёмнинг энг ачқиг ва дахшатли фикрларига майдон берган Шарқ мухити, асорат ва куллик остинда шу қадар эзилмишдики, буни, бу қийматли асарни ўзига сигдира олмади... Эҳтимол, энди Шарқнинг четлар султонидан кутулуб хақиқий инқилобга яқинлашуб келаётган вақтларида буюк шоирнинг улуг фиклари дунё юзи(ни) кўрса... Тавфик Фикратбек ўзининг бу буюк руҳи ила, у:

Дин шаҳид истар, осмон қурбон,  
Яна қон, ҳар тарафда қон, қон, қон!  
(«Тарихи кадим»)

деган, қонга, зулмга, жинойтга қарши кўпурган жони ила — бу жинойт уяси бўлган «ески дунё»да зўрга-зўрга тоқат қилуб чидаб турди. Охирида, у неча миллион гуноҳсиз жонларни ютуб, кўб мамлакатларни вайрон қилуб қелган «маданият уруши» (Оврүпо муҳорабаси)дан сўнг чидай олмади; одамлар у ваҳший «хайвон»лар ичиндан чиқди. Истанбулнинг бир чекасида, бир жаъра гўшада 1—2 йил ёлғиз бошига дарвешлардай умр ўтказди. Охирида Оврүпо «ўлум машинаси»нинг энг тезлаган ваҳшат оташининг энг қизигон бир вақтида қетди тинч, роҳат дунёга қетди.

Бу «ваҳшатобод»ни тарқ этди.

Энди унинг қабри бутун усмонли ёшларнинг зиёратгоҳидир. Дунёнинг ваҳшатиға ўч, лекин ўзи қаби дарвешлардан бири, файласуф дўқтур Ризо Тавфик унинг қабрини зиёратига боруб қабри устинда айтадир: (босилмаган асарлардан).

## **ФИКРАТНИНГ КАБРИНДА**

Дейдиларки, эссиз қолан тирбангда

Вахший гуллар очмиш, кўрмая келдим;  
У бог жаннатинг хокина банда,  
Хасрат-ла юзимни сурмая келдим!  
Дейдиларки, сенга амал богляян  
Кабрингда диз чўкуб бир дам оглаён  
Бир мурод ўлурмиш, банда бир замон  
Оглаюб мурода эрмая келдим!  
Шу хижрон йилининг сўнг бахоринда  
Чолалар титраган чаманзоринда  
Кун бугмазди банда мозорингда,  
Мотам чечаклари дермая келдим!  
Сени онгдим бутун гам чеканлар-ла  
Ишк хак ўгринда ёш дўканлар-ла  
Соригинча вайрон шу деганлар-ла  
Тошингга бир чаланг урмая келдим!  
Ёдинг ўлум каби бир сир мубхам  
Нашъа шу долли бу хис исм.  
Рухимда на фусун айладинг илхом  
Бу кун сенга кўнгул вермая келдим!

Шундай килиб, улуг бир шоир дунёдан кетди. Уни билганлар йиглаб колдилар,  
билмаганлар — яна илгаридай.  
Дунёнинг вахшатлари бўлса яна хамон давом этмакда, мазлумлар инкилобигина нихоят  
бермаса бошка мажот кўрилмайдир.  
Рохат, масъуд ёт кабрингда эй улуг пир!..

---

«Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 10 январ сонидан босилган.  
Тавфик Фикрат (1867—1915) — турк шоири, журналист. Асарлари 1894 йилдан чоп  
этила бошлаган. Ўша вақтда адабний марказ вазифасини ўтаган «Сарвати фунун»  
(«Билимлар хазинаси») журнали унинг мухаррирлигида чикиб турган. 1908 йил инкилоби  
Тавфик Фикратнинг идеалига мос келмаган, журналистикадан йироклашган.